


# TEMIRYÖLÇI

ÖZBEKISTON TEMIRYÖLÇILARINING GAZETASI

Temir yöllar mamlakatimiz iqtisodiyotining qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan çiqa boşlagan

2026-yil • 12-noyabr • payşanba • № 44 (6624)


УЧРАШУВ

Жорий йилнинг 9 ноябрь куни “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси З.Нарзуллаев ҳамда Польша давлат темир йўллари (Polskie Koleje Państwowe S.A.) бошқаруви раиси Алан Беруд бошчилигидаги делегация ўртасида расмий учрашув бўлиб ўтди.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОЛЬША ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ ТРАНЗИТ ЮК ТАШУВЛАРИНИ КЕНГАЙТИРАДИ



Мулоқот давомида томонлар Марказий Осиё ва Европа ўртасидаги транспорт-логистика алоқаларини ривожлантиришда Ўзбекистон темир йўл тармоғининг ўрнини таъкидлаб, ўзаро ҳамкорлик салоҳиятини тўлиқ ишга солиш масалаларини кўриб чиқдилар. Хусусан, икки томонлама юк айланмаси ҳажмини ошириш, янги юк оқимларини жалб қилиш ҳамда рақобатбардош тарифлар асосида мунтазам контейнер поездлари қатновини йўлга қўйиш чоралари муҳокама қилинди.

Учрашувда транзит юк ташувлари ва мультимодал логистика занжирларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу нуқтаи назардан, Хитойдан Ўзбекистон орқали ўтувчи йўналишлар, жумладан, қурилаётган стратегик “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли лойиҳаси келгусида Евроосиё қитъасида юкларни етказиб бериш муддатларини сезиларли даражада қисқартириши ва янги транзит имкониятларини яратиши қайд этилди.

Тадбир якунида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳамда Польша давлат темир йўллари ўртасида Ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди. Мазкур ҳужжат икки мамлакат ўртасида юк ва мультимодал ташувларни кенгайтириш ҳамда барқарор транспорт алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

# ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИК ТАРИХИЙ ЙЎЛ ВА СТРАТЕГИК ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИ

**МАМЛАКАТИМИЗ ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ТИЗИМИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ БЎЛГАН “ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 32 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 9 ОЙЛИК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.**








Юртимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, ҳудудлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва инфратузилмавий алоқаларни мустаҳкамлаш ва халқимизга замонавий транспорт хизматларини кўрсатишда пўлат излар фидойиларининг ҳиссаси беқиёс. Бугунги кунда соҳа ходимлари ўз касб байрамини улкан ютуқлар, салмоқли кўрсаткичлар ва аниқ режалар билан нишонламоқда.

Маълумки, 1994 йил 7 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Ўрта Осиё темир йўллари негизида ташкил этилган мазкур тизим ўтган давр мобайнида улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Айниқса, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан 2023 йил 10 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий қарори соҳада чинакам янгиланишлар ва тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди.

Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш, экспорт ва транзит салоҳиятини юксалтиришда транспорт-логистика инфратузилмасини модернизация қилиш ҳамда замонавий бошқарув тизимларини жорий этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мазкур стратегик ҳужжат ижроси доирасида амалга оширилган туб ислоҳотлар натижасида юк ташиш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш, қурилиш ва саноат ишлаб чиқариши сифати юқори босқичга кўтарилди. Биргина носоҳавий активларнинг топширилиши йиллик 100 миллиард сўм харажатни тежаш имконини берди. “Ягона дарча”, “МПЦ Турон”, “Smart Depo”, “ДЦ Истиқлол” каби инновацион ечимлар жорий этилиши орқали тизимни рақамлаштириш даражаси 75 фоизга етказилди.

Давоми 2-бетда

ЭЪТИРОФ

# “ФАХРИЙ ТЕМИРЙЎЛЧИ” КЎКРАК БЕЛГИСИ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР!

**“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 32 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ РАИСИНИНГ 2026 ЙИЛ 5 НОЯБРДАГИ “ФАХРИЙ ТЕМИРЙЎЛЧИ” БЕЛГИСИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ 565-Н-СОНЛИ БУЙРУҒИГА АСОСАН ҚУЙИДАГИ 15 НАФАР ХОДИМ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ СОҲАСИДАГИ УЗОҚ ЙИЛЛИК САМАРАЛИ МЕҲНАТИ, ИШДАГИ ЮТУҚЛАРИ ВА ТАШАББУСКОРЛИГИ УЧУН ТИЗИМНИНГ ЭНГ ЮКСАК МУКОФОТИ – “ФАХРИЙ ТЕМИРЙЎЛЧИ” КЎКРАК НИШОНИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЕЛГИЛАНГАН МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРИНИНГ 5 БАРАВАРИ ҲАЖМИДАГИ ПУЛ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ:**



**ЮСУПОВ Жамолбек Зокир ўғли** – “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари;

**МАХМУДОВ Азизжон Баҳодирович** – Бошқарув раисининг рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси;

**АСҚАРОВ Музаффар Турсунбоевич** – Корпоратив муносабатлар департаменти бошлиғи;

**РУСТАМОВ Баходир Низомович** – Харидлар ва таъминотни бошқариш департаменти бошлиғи;

**МАВЛАНОВ Ахмаджон Ҳакимжанович** – Персонални бошқариш ва кадрларни тайёрлаш департаменти бошлиғи ўринбосари;

**ЖУМАНИЯЗОВ Шерзод Бозорбоевич** – “Ўзтемирйўлйўловчи” акциядорлик жамияти “Темийўлвокзаллари” МЧЖ Хоразм-Оролбўйи ҳудудий бўлинмаси ҳудудларни ривожлантириш бўйича директор ўринбосари;

**БОЗОРОВ Эркин Сайфуллоевич** – “Темирйўлинфратузилма” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ахборот технологиялари ва сунъий интеллектни жорий этиш масалалари бўйича ўринбосари;

**БОЛТАЕВ Аваз Худойбердиевич** – “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Ахборот-ҳисоблаш маркази “Ягона дарча” ахборот тизимини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўлими бўлим бошлиғи;

**МИРХАНОВА Нодира Халмуратовна** – “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Ахборот-ҳисоблаш маркази Юк ташиш тизимларини технологик қўллаб-қувватлаш бўлими етакчи муҳандис-технологи;

**КОДИРОВ Исроил Толибович** – “Темирйўлинфратузилма” акциядорлик жамияти “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали “Тинчлик” станцияси бошлиғи;

**ХОДИМАТОВ Бобир Тожиматович** – “Темирйўлинфратузилма” акциядорлик жамияти “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали “Чиноз” станцияси бошлиғи;

**БУХАРОВА Рамзия Кашафовна** – “Темирйўлинфратузилма” акциядорлик жамияти “Навоий сигналлаштириш ва алоқа масофаси” филиали техник бўлим муҳандиси;

**АЧИЛОВ Закир Туйчиевич** – “Темирйўлинфратузилма” акциядорлик жамияти “Қарши вагон эксплуатация участкаси” филиали Қарши вагонларга техник хизмат кўрсатиш пункти йўриқчиси;

**МУРАТОВА Марина Нурназаровна** – “Темир йўл ижтимоий хизматлар” МЧЖ Марказий клиник касалхонаси филиали Ички касалликлар бўлими мудири;

**ХАЙДАРОВ Михаил Ахатович** – “Темир йўл ижтимоий хизматлар” МЧЖ “Самарқанд” бекати бирлашган касалхонаси филиали Жарроҳлик бўлими травматолог-ортопед шифокори.

Тақдирланган барча темирйўлчиларни чин дилдан қутлаймиз! Ушбу эътирофлар уларнинг келгусидаги зафарларига муносиб дебоча бўлишини тилаб қоламиз!

# ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИК ТАРИХИЙ ЙЎЛ ВА СТРАТЕГИК ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Жамият бошқаруви раиси Зуфар Нарзуллаев тадбирда сўзга чиқиб, соҳа фидойиларини қутлади ҳамда 2026 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича эришилган асосий кўрсаткичларни сарҳисоб қилди. Унга кўра, 2025 йилнинг мос даврида 80,3 миллион тонна юк ташилган бўлса, жорий йилнинг ўтган 9 ойида бу рақам 83,7 миллион тоннага етди. Юк айланмаси 26,2 миллиард тонна километрни ташкил этиб, 127,6 фоизлик ўсиш қайд этилди. Республика умумий транспорти юк айланмасида темир йўлнинг улуши 38 фоизга чиқди. Йўловчи ташиш бўйича ҳам ижобий динамика кузатилиб, ҳисобот даврида 9 миллион 125,7 минг йўловчига хизмат кўрсатилди.

Амалга оширилаётган барча ислоҳотларда қурилиш ва модернизация ишлари асосий драйверга айланди. Хусусан, 2023-2026 йилларда 23 та йирик лойиҳа фойдаланишга топширилиб, 19 та янги темир йўл кўприги ва кўплаб йўл ўтказгичлар барпо этилди. “Ховос – Зомин туризм” (28 км) ҳамда “Байтқўрғон – Паркент” (24 км) каби янги электрлаштирилган линияларнинг ишга туширилиши, вокзаллар ва поездлар паркининг (“Жалолиддин Мангуберди”, “CRRC Dalian”, “ЭП3Д” ва “CRRC 200”) янгиланиши аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини сезиларли даражада оширди. Тизим тўлиқ ўзини ўзи молиялаштиришга ўтгани натижасида ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 2023 йилга нисбатан 157,9 фоизга ўсиб, 10 миллион 16 минг сўмга етди.




Тадбир сўнгида тармоқ ривожига муносиб ҳисса қўшган 15 нафар ходим соҳанинг энг юксак мукофоти – “Фахрий темирйўлчи” кўкрак нишони, шунингдек, 10 нафар ишчи-ходим фахрий ёрлиқ ҳамда пул мукофотлари билан рағбатлантирилди.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий қудрати ва транзит салоҳиятининг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган стратегик устувор вазифалар — рақамли технологияларни кенг жорий этиш, инфратузилмани янгилаш ва хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар тизимни янги тараққиёт босқичига олиб чиқмоқда. Пўлат излар узра ҳаракатланаётган ҳар бир поезд юртимиз фаровонлиги ва барқарор ривожланишининг ёрқин рамзи бўлиб қолаверади.

**Рустам ҲАЙДАРОВ**






■ ИЖТИМОИЙ СОҲА

**11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали ҳамда Ҳудудий касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан байрам тадбири ташкил этилди.**

# КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Унда узел бошлиғи Ғ.Мамадалиев, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари М.Розиметов, Ҳудудий касаба уюшма қўмитаси раиси Ғ.Сабиров иштирок этиб, йиғилганларни ушбу қутлуғ сана билан самимий табрикладилар.



Шундан сўнг соҳада узоқ йиллар меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган фахрийлар ва ишламайдиган пенсионерларга касаба уюшмаси Республика Кенгашининг пул мукофотлари топширилди.

Тадбир давомида фидокорона меҳнати билан Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган, ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларда фаоллик кўрсатаётган бир гуруҳ ташаббускор ходимлар “Тошкент минтақавий темир йўл узели" филиали ва Ҳудудий касаба уюшма қўмитасининг рағбатлантирувчи совғалари билан тақдирланди.



■ БИР КОРХОНА ФАОЛИЯТИДАН

# БУХОРО СИГНАЛЛАШТИРИШ ВА АЛОҚА МАСОФАСИДАГИ РАҚАМЛАШТИРИШ ҲАМДА ХАВФСИЗЛИК ОМИЛЛАРИ

**“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфидаги Бухоро сигналлаштириш ва алоқа масофаси ўзининг 576,3 километрлик хизмат кўрсатиш ҳудудида замон талаблари асосида тизимни тўлиқ модернизация қилиб, рақамли алоқа воситаларини кенг жорий этмоқда.**



Бугунги кунда корхонада 333 нафар тажрибали мутахассис, жумладан, алоқа муҳандислари, электромеханиклар ва монтёрлар аҳил жамоа бўлиб меҳнат қилмоқда. Поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда темир йўл участкаларидаги автоматика, телемеханика ва алоқа тизимларининг барқарор ишлашини назорат қилиш жамоа фаолиятининг бош мезони ҳисобланади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мутахассислар томонидан соҳа ривожига хизмат қилувчи бир қатор истиқболли ва кенг кўламли лойиҳалар сифатли якунланди.

Темир йўл инфратузилмасини замон талабларига мослаштиришда Навоий – Бухоро йўналишидаги иккинчи темир йўл қурилиши доирасида масофа ходимлари юқори фаоллик кўрсатдилар. Хусусан, “Маликобод”, “Азизобод” ва “Бухоро-1” станциялари ҳудудидаги 3927-, 3935-, 3955- ҳамда 3963-километрларда жойлашган қўриқланувчи темир йўл кесишмаларида йирик қурилиш-монтаж ишлари муваффақиятли бажарилди.

Бундан ташқари, Бухоро – Мискин участкасини ривожлантиришнинг иккинчи босқич режасига мувофиқ, ҳудуддаги 14 та темир йўл кесишмаси йўлни тўсишга мўлжалланган махсус автоматик қурилмалар (УЗП) билан тўлиқ жиҳозланди.

– Айни дамда замонавий рақамли алоқа тизимига ўтиш борасида корхона фаолиятида рақамлаштириш жараёнлари ҳам янги босқичга кўтарилмоқда, – дейди Бухоро сигналлаштириш ва алоқа масофаси бошлиғи Санжар Худойқулов. – Жумладан, Бухоро – Хўжадавлат участкасида юқори сифатли ҳамда замонавий рақамли ОТАЛ тезкор-технологик алоқа формати жорий этилди. Мазкур ҳудудда бевосита янги авлод коммуникация тизимларидан фойдаланиш имконияти яратиб берилди.

Шу билан бирга, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва реал вақт режимида назорат олиб бориш мақсадида видеокузатув тармоғи кенгайтирилди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида 26 та қўриқланмайдиган темир йўл кесишмаси, 27 та станция навбатчиси (ДСП) хонаси ҳамда Навоий – Бухоро оралиғидаги технологик объектларга жами 126 дона замонавий видеокузатув қурилмалари жамланмаси ўрнатилиб, ишга туширилди.



Жамият таркибидаги ташкилот ва бўлинмаларни ягона тармоққа бирлаштириш мақсадида узелга қарашли корхоналар ҳамда Бухоро – Мискин йўналишидаги Электр таъминоти масофасининг таркибий (ЭЧК ва ТПС) бўлинмаларига замонавий оптик толали интернет тармоғи тортилди. Мазкур рақамли инфратузилма асосида узелга тегишли барча корхона, станция ва бўлинмаларда ходимлар давоматини автоматик қайд этувчи FaceID ускуналари монтаж қилиниб, тўлиқ амалиётга татбиқ этилди.

Бугунги кунда тизим самарадорлигини оширишда инновацион таклифлар устувор аҳамият касб этмоқда. Салоҳиятли кадрлар томонидан станцияларда алоқа сифатини янада яхшилаш ҳамда Сигналлаштириш ва алоқа масофаси хўжалигидаги кундалик жараёнларнинг ҳисобот-назоратини тўлиқ электрон форматга ўтказишга қаратилган махсус дастурий таклифлар ҳамда янги ғоялар ишлаб чиқилиб, йўлга қўйилётгани қувонарли ҳол, албатта.

Хусусан, катта электромеханик А.Файзуллаев томонидан илгари сурилган “ŞÇ kommutator” инновацион ғояси Жамият раҳбарияти томонидан юқори баҳоланиб, амалиётга жорий этилишига рухсат берилди. Ушбу лойиҳа ходимларнинг шахсий уяли алоқа воситаларини темир йўл АТС тармоғи билан муваффақиятли интеграция қилди. Натижада мобил алоқа қамрови суст бўлган олис станциялардан ҳам тўғридан-тўғри тезкор алоқага чиқиш имконияти яратилди.

Шунингдек, муҳандис М.Рафиков томонидан яратилган “SMART ŞÇ” дастурий таъминоти масофа хўжалигида ҳақиқий рақамли янгилик бўлди. Эндиликда ушбу дастур орқали станциялардаги қурилмаларга хизмат кўрсатиш технологик жадвалларининг йиллик, ойлик ва тезкор режалари назорати, бекат, лойиҳа ҳужжатлари тўлиқ электрон форматга ўтказилди. Бу тизим иш журналларини электронлаштириш, диспетчерларнинг вақтини тежаш ҳамда назорат-кўрсатма тадбирларини қулай ва тезкор олиб боришга замин яратди.

Айни пайтда корхона мутахассислари томонидан Бухоро – Қарши ҳамда Бухоро – Хўжадавлат участкаларида оптик толали алоқа кабелларини ётқизиш ва зарур ускуналар билан жиҳозлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бундан ташқари, Навоий – Бухоро участкасида юқори аниқликдаги видеокузатув камераларини ўрнатиш ва ишга тушириш жараёнлари якунига етказилмоқда.

Амалга оширилган яна шундай муҳим қадамлардан бири сифатида станциялардаги импорт қилинган “Gradient-12Ç” воситалари ўрнига ўзимизнинг маҳаллий сўзлашувларни қайд этиш дастури яратилганини таъкидлаш лозим. Ҳозирда синовдан ўтказилаётган мазкур янги тизим барча мулоқотларни ягона марказий серверда хавфсиз сақлаш ва таҳлил қилиш имконини бермоқда.

**Феруза ХУДОЙҚУЛОВА**

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

## КЎҲНА ВА НАВҚИРОН ХИВАГА САЁҲАТ:

# ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР УЧУН УНУТИЛМАС ИККИ КУН

**“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРМА КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН 11 НОЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖАМИЯТ БОШҚАРМА ВА БЎЛИНМАЛАРИДА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАРАКАТИ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН ЭНГ ФАОЛ, ФИДОЙИ ВА ТАШАББУСКОР ХОДИМЛАР МЕҲНАТИНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ МАҚСАДИДА ҚАДИМИЙ ХИВА ШАҲРИГА САЁҲАТ УЮШТИРИЛДИ.**

Саёҳатнинг илк манзили Урганч туманидаги Ғойбу қишлоғида жойлашган маҳобатли тарихий мажмуа — “Улли Ҳовли”дан бошланди. Туркманлар маҳалласи ҳудудида қад ростлаган бу обида халқ орасида ҳақли равишда “Ўзбек-туркман дўстлик уйи” деб юритилади.

Шундан сўнг саёҳат қатнашчилари асрлар давомида ўз гўзаллиги ва жозибасини сақлаб келаётган Хива шаҳрининг юраги — Ичан-қалъа мажмуасига йўл олишди. Бу ерда темирйўлчилар бой тарихдан дарак берувчи ноёб музейлар, улуғвор Жума масжиди, илм-маърифат маскани бўлган Шерғозихон мадрасаси, муқаддас Шайх Мухтор Валий ва Паҳлавон Маҳмуд мақбаралари, осмонўпар Муҳаммад Аминхон минораси ҳамда ҳашаматли Нуруллабой саройини катта қизиқиш билан томоша қилишди.

Дастур давомида сайёҳлар Ўрта Осиёда илк бор фотоаппарат ва киноаппарат яратган таниқли юртдошимиз Худойберган Девонов ҳаёти ва ижодига бағишланган музейга ҳам ташриф буюришди. Унинг ноёб ижод намуналари ва тарихий суратлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Кун сўнгида Хива шаҳрининг шарқона эртаклардагидек бетакрор тунги кўриниши барчага ўзгача завқ бағишлади.

Ходимларнинг мароқли дам олиши учун барча шароитлар пухта ҳозирланди. Сафарга бориш ва қайтиш учун қулай темир йўл чипталари тўлиқ ташкил этилиб, иштирокчилар шаҳардаги замонавий ва шинам меҳмонхоналарга жойлаштирилди. Кечки таомланиш вақти эса гўзал ресторанларда, мусиқий дастур ва кўтаринки кайфият остида ўтди.

Ушбу саёҳатдан чексиз таассуротлар билан қайтган темирйўлчилар ташкилотчиларга ўзларининг самимий миннатдорлигини билдиришди. Бу каби тадбирлар ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш билан бирга, уларнинг маданий ҳордиқ чиқариши ва жамоадаги ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.



# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ СОҲА ХОДИМЛАРИ ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

**“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Бошқармаси касаба уюшмаси қўмитаси томонидан 11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди.**





Уни Бошқарма касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ш.Умарова очиб бериб, жамият тизимидаги корхоналарда меҳнат қилаётган касаба уюшмаси ташкилотчилари ва фаолларини қутлуғ сана билан самимий муборакбод этди. У ўз сўзида касаба уюшмалари бугунги кунда нафақат ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилувчи, балки меҳнат жамоаси ва раҳбарият ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажарувчи нуфузли жамоат тузилмасига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққанлар касаба уюшмаси вакилларининг жамоада соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, ишчи-ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги фидокорона меҳнатини эътироф этишди.

— Ана шундай масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, узоқ умр, ишларингизда зафарлар ва янги муваффақиятлар тилайман, — дея эзгу тилакларини билдирди Ш.Умарова.

Табрик навбати Махсус хизмат бош мутахассиси Д.Довгалюкка берилди. У ўз нутқида акциядорлик жамияти мамлакатимиз корхоналари орасида ўзининг фаоллиги ва интилувчанлиги билан ажралиб турадиган етакчи ташкилотлардан бири эканини қайд этди. Шунингдек, жамоатчилик вакилларининг тизим ривожига қўшаётган муносиб ҳиссаси ҳамда фидойилигини эътироф этиб, уларга келгуси фаолиятида омад тилади.

Тадбир якунида кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги жонбозлиги учун бир гуруҳ касаба уюшмаси фаоллари қўмитанинг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Байрам тадбири кўтаринки руҳда, самимий қутловлар ва илиқ тилаклар остида ўтди.

**Донохон ГАЗИЕВА**

11 НОЯБРЬ – КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ

# ХОДИМЛАР ЎЗ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ НАМОЁН ЭТДИЛАР

**ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ, АВВАЛО, ИНСОН ҚАДРИ, МЕҲНАТГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ ҲАМДА ИШЧИ-ХОДИМЛАР МАНФААТЛАРИНИНГ ҚАЙ ДАРАЖАДА ТАЪМИНЛАНГАНИ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ. БУ ЖАРАЁНДА КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС. ЗЕРО, МАЗКУР ТУЗИЛМА НАФАҚАТ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ МАНФААТЛАР ҲИМОЯЧИСИ, БАЛКИ ЖАМОАДА СОҒЛОМ МАЪНАВИЙ МУҲИТНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ, ХОДИМЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ВА ИЖОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ, ЎЗАРО ҲАМЖИҲАТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ МУҲИМ КУЧДИР.**





“Темирйўлэкспресс” акциядорлик жамиятида касаба уюшмаси томонидан ушбу йўналишларда олиб борилаётган ишлар йилдан-йилга мазмунан бойиб, янги ташаббуслар ва самарали лойиҳалар билан изчил давом эттирилмоқда. Ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, маданий-маърифий учрашувлар ҳамда анъанавий спорт ва интеллектуал мусобақаларни уюштириш мазкур фаолиятнинг устувор вазифалари саналади.

Бундай саъй-ҳаракатлар самараси, энг аввало, жамоадаги ижобий муҳит, ишчи-хизматчиларнинг фаоллиги ва касаба уюшмаси ташаббусларига бўлган қизиқишида намоён бўлмоқда. Ташкил этилаётган тадбирларнинг мунтазамлиги, уларнинг амалий аҳамияти жамоа аъзолари томонидан мамнуният билан эътироф этилмоқда.

11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан Жамиятда “Касаба уюшмалари – ходимлар манфаатлари ҳимояси, бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш тимсолидир” шиори остида “Заковат” интеллектуал ўйини ўтказилгани ҳам ана шу эзгу мақсадларнинг амалий ифодаси бўлди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад касаба уюшмалари фаолиятининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, ходимларнинг ақлий салоҳиятини юксалтириш, билим ва тафаккурини ривожлантириш, шунингдек, бўлинмалар ўртасида дўстона муносабатлар ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдан иборат бўлди.

Қизиқарли, мантиқий мушоҳада ва кенг дунёқараш талаб этадиган саволларга бой тарзда ўтган беллашувда иштирокчи жамоалар ўз билими, тезкор фикрлаш ва ҳамжиҳатликда қарор қабул қилиш қобилиятини намоён этди. Қизғин баҳс-мунозаралар, соғлом рақобат ва ўзаро фикр алмашувлар билан кечган ўйин ҳар бир қатнашчи учун билимлар синови бўлиш билан бирга, ҳамкорлик ва жамоавий бирдамликни янада жипслаштириш майдонига айланди.

Беллашув якунига кўра, “Hyundai Rotem” жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, 9 миллион сўмлик сертификат билан тақдирланди. Иккинчи ўринни қўлга киритган “Тулпор” жамоасига 6 миллион сўмлик, учинчи ўрин соҳиби “Тальго” жамоасига эса 4 миллион сўмлик сертификат топширилди.

Шунингдек, мусобақада фаол иштирок этган “Afrosiyob”, “Зукко хонимлар”, “Билимдонлар” ва “Тафаккур” жамоалари ҳам жамият касаба уюшма қўмитаси томонидан пул мукофотлари билан рағбатлантирилди.

Тадбир сўнгида корхона касаба уюшмаси раиси Н.Рамазанова иштирокчиларни эришилган натижалар билан табриклаб, барча жамоаларга келгуси фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади. У ўз сўзида бундай билимдонлар беллашуви ходимларнинг тафаккурини бойитиш, жамоавий ҳамкорликни ривожлантириш ва корхонада дўстона муҳитни қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

– “Темирйўлэкспресс” акциядорлик жамиятида касаба уюшмаси томонидан амалга оширилаётган ишлар замирида ҳам ана шу эзгу тамойил, яъни инсон қадрини улуғлаш, ишчи-ходимлар манфаатларини устувор билиш ва жамоада ўзаро қўллаб-қувватлаш муҳитини шакллантириш ғояси мужассам, – дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Нодира Рамазонова. – Ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш, соғломлаштириш, санаторий йўлланмалари билан таъминлаш, оилавий тадбирлар, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш каби йўналишларда олиб бораётган ишларимиздан меҳнат аҳли мамнун. Бугунги “Заковат” интеллектуал ўйини ҳам нафақат ходимларнинг ақлий салоҳиятини намоён этиши, балки уларнинг корхона ҳаётидаги фаоллигини ошириши, соғлом рақобат ва корпоратив ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаши билан ҳам аҳамиятли эканини яна бир бор кўрсатди.

Дарҳақиқат, касаба уюшмасининг кучи — бирдамликда, фаолиятининг мазмуни — инсон манфаатларида, энг катта ютуғи эса ходимлар ишончи ва мамнуниятидадир.

ОРЗУЛАР УШАЛГАН КУН

# ФИДОЙИ МЕҲНАТИ ЮКСАК ҚАДРЛАНАЁТГАН СОҲАНИНГ БАХТИЁР КАСБ ЭГАЛАРИ

**2026 ЙИЛНИНГ 6 НОЯБРЬ КУНИ ТЕМИР ЙЎЛ ТИЗИМИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН 15 НАФАР ХОДИМ УЧУН УНУТИЛМАС КУНЛАРДАН БИРИ БЎЛДИ. ШУ КУНИ “ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 32 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАРКАЗИЙ АППАРАТДА БОШҚАРУВ РАИСИ ЗУФАР НАРЗУЛЛАЕВ УЛАРГА “ФАХРИЙ ТЕМИРЙЎЛЧИ” КЎКРАК НИШОНИНИ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ТОПШИРДИ. СОҲАНИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛГАН БАХТИЁР ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРНИНГ БИР ГУРУҲИ БИЛАН СУҲБАТЛАШИБ, УЛАРНИНГ САМИМИЙ ДИЛ ИЗҲОРЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИК.**

## “МЕН КАСБИМДАН ФАХРЛАНАМАН”



**Бобур ХОДИМАТОВ,**
**“Чиноз” станцияси бошлиғи:**

– Темир йўл соҳасига қизиқишимга, аввало, отам сабабчи бўлганлар. Уларнинг маслаҳати билан 2003 йилда Тошкент темир йўл муҳандислари институтини тамомладим. Илк меҳнат фаолиятимни “Ҳамза” станциясида парк навбатчиси сифатида бошлаганман.

2006 йилдан буён “Чиноз” станцияси бошлиғи лавозимида юртимизда юк ташиш ҳажмини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келяпман. Тўғриси, ушбу юксак эътирофга сазовор бўламан, деб ўйламагандим. “Фахрий темирйўлчи” кўкрак нишони нафақат менга, балки аҳил жамоам ва устозларим меҳнатига берилган муносиб баҳодир. Биз ҳамкасблар билан бир тану бир жонмиз — камчиликларни биргаликда бартараф этишга, бир-биримизни қўллаб-қувватлашга одатланганмиз. Чунки бир ўзим қанчалик ҳаракат қилмайин, ортимда жамоам елкадош бўлиб турмаганида, бу натижага эришолмасдим. Шу боис бу мукофотни бутун жамоамизники, деб биламан. Инсон бундай лаҳзаларда, албатта, ҳаяжонга тушади. Иш фаолиятимиз давомида устозларга ҳавас қилиб, шундай ютуқларга эришишни ният қилганмиз.

Насиб этган экан, беҳисоб шукр! Мен ўз касбимдан фахрланаман, чунки темирйўлчилик йигит кишига мос ва хос шарафли соҳа. Босиб ўтган йўлимиз, шу йўналишда орттирган тажрибамиз учун доим шукрона айтамиз. Темир йўл тизими мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутади. Унинг қамрови ҳам, масъулияти ҳам ниҳоятда катта. Ана шундай машаққатли ва масъулиятли соҳа вакили эканимиздан ғурурланамиз.

Ушбу мукофот зиммамизга катта масъулият юклайди. Эндиликда ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаб, биргаликда фидокорона меҳнат қилишимиз лозим. Шунча йил давомида эришган ютуқларимизни асраб-авайлашимиз, ўз устимизда тинимсиз ишлаб, ривожланишимиз керак. Мақсадимиз — жонажон Ўзбекистонимиз равнақига кўпроқ фойдамиз тегсин.

## “ФАХРИЙ ТЕМИРЙЎЛЧИ” БЕЛГИСИ МЕНГА КУТИЛМАГАН МУКОФОТ БЎЛДИ”

**Музаффар АСҚАРОВ,**
**Корпоратив муносабатлар департаменти бошлиғи:**



– Темир йўл соҳасида 23 йилдан буён меҳнат қилиб келяпман. Илк фаолиятимни “1-сонли Энергомонтаж поезди” масъулияти чекланган жамиятида бошлаганман. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ташкил этилганининг 32 йиллиги муносабати билан “Фахрий темирйўлчи” кўкрак нишони билан тақдирланишим мен учун кутилмаган қувончли воқеа бўлди. Ушбу юксак ишонч учун Жамиятимиз раҳбариятига самимий миннатдорлик билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ишчи-ходимлар ва соҳа фахрийларини ушбу қутлуғ юбилей санаси билан чин қалбимдан муборакбод этаман ҳамда уларга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни йўллайман. Жамиятимиз фаолиятига улкан зафарлар тилайман. Бундан буён ҳам юртимиз равнақи ва темир йўл транспорти тараққиёти йўлида бор билим, малака ва куч-ғайратимни сафарбар этаман.

## “УШБУ ЮТУҚ – ЖАМОАМИЗ МЕҲНАТИНИНГ НАТИЖАСИДИР”

**Аваз БОЛТАЕВ,**
**“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Ахборот-ҳисоблаш маркази – “Ягона дарча” ахборот тизимини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи:**



– 2005 йилда Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг “Информатика ва ахборот технологиялари” кафедраси стажёр-ўқитувчиси, “Темир йўл транспортида ахборот тизимлари” кафедраси ассистенти сифатида иш бошлаганман. Соҳадаги меҳнат фаолиятимга ҳам 21 йилдан ошди. 2005 йилдан 2019 йилгача ҳозирги Тошкент давлат транспорт университетида, сўнг “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқармасида дастурчи бўлиб ишладим.

2019 йилдан буён “Ягона дарча” тамойили асосида юк ташиш жараёнларини рақамлаштириш устида иш олиб бормоқдаман. Шу давр ичида жамоамиз билан биргаликда https://e-nakl.railway.uz электрон платформасини яратишга муваффақ бўлдик. Мазкур тизим юк ташиш жараёнларини янада самарали ва шаффоф ташкил этишга хизмат қилмоқда.

2026 йил 6 ноябрь ҳаётимдаги энг унутилмас кунлардан бири бўлди. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимидаги кўп йиллик хизматларим эътироф этилиб, “Фахрий темирйўлчи” кўкрак нишони билан тақдирландим. Бу юксак мукофот мен учун катта фахр ва шараф, шу билан бирга, келгуси режаларимга янги куч-ғайрат бағишлайдиган муносиб рағбатдир. Камтарона меҳнатимни юқори баҳолаган Жамият раҳбариятига чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Ушбу эътироф нафақат менга, балки бутун жамоамизга, айниқса, IT соҳасида меҳнат қилаётган барча мутахассисларимизга берилган муносиб баҳо, деб биламан. Платформани яратиш ва такомиллаштириш жараёнида доим ёнимда туриб, ўз билими ва тажрибаси билан кўмаклашган ҳамкасбларимга алоҳида ташаккур айтаман. Бу ютуқ – аҳил жамоамиз меҳнатининг умумий натижасидир.

## “МЕҲНАТИМНИ МУНОСИБ БАҲОЛАГАН РАҲБАРИЯТГА ЎЗ МИННАТДОРЧИЛИГИМНИ БИЛДИРАМАН”

**Марина МУРАТОВА,**
**“Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамияти Марказий клиник касалхонаси Ички касалликлар бўлими мудири:**



– Мен олий тоифали шифокорман. Тошкент давлат тиббиёт институтининг 1-сон даволаш факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаганман. 1990 йилдан буён темир йўл касалхонасида меҳнат қилиб келаман, 34 йилдан бери эса бўлим мудири лавозимида ишлайман.

Фаолиятимнинг илк кунлариданоқ тиббиёт соҳаси нафақат чуқур билим ва масъулият, балки улкан сабр-тоқат, меҳр-шафқат ва инсонларга бўлган муҳаббатни ҳам талаб қилишини англаганман. Мен ҳар доим беморларни диққат билан тинглашга, уларнинг дардини ҳис қилишга ва тезроқ соғайишлари учун бор имкониятимни ишга солишга ҳаракат қиламан.

Жамоадаги ўзаро муносабатларга ҳам алоҳида эътибор қаратаман. Кўп йиллик иш давомида орттирган бой тажрибамни ёш мутахассислар билан мамнуният билан баҳам кўриб келяпман. Чунки билим ва кўникмаларни авлоддан-авлодга етказиш тиббий хизмат сифатини оширишда муҳим ўрин тутади, деб ҳисоблайман.

Ўз касбимни чин дилдан севаман. Ишонаманки, ҳақиқий шифокор нафақат билимли мутахассис, балки меҳрибон, очиққўнгил ва раҳмдил инсон ҳам бўлиши керак. Зеро, шифокорлик фақат муолажадан эмас, аввало, инсонга бўлган самимий муносабатдан бошланади.

Меҳнатимни муносиб баҳолаб келаётган темир йўл раҳбариятига чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

**Аваз ОМОНОВ тайёрлади**

## “ИСМ-ФАМИЛИЯМНИ ЭЪЛОН ҚИЛГУНЛАРИГА ҚАДАР НИМАГА ЧАҚИРИШГАНИДАН ХАБАРДОР ЭМАСДИМ”



**Исроил ҚОДИРОВ,**
**“Темирйўлинфратузилма” акциядорлик жамиятининг “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали “Тинчлик” станцияси бошлиғи:**

– Меҳнат фаолиятимни 1996 йилда “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиалига қарашли “Навоий” темир йўл станциясида бошлаганман. Раҳбарият тавсияси билан “Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти ташкил этилган кезларда биринчилардан бўлиб ушбу корхонанинг Навоий ҳудуди бўйича марказ бошлиғи вазифасида ҳам ишладим.

Жамиятимиз раисининг кўплаб йиғилишларида иштирок этганман. У кишининг бир фикрни бот-бот таъкидлашлари менинг иш услубимни тубдан ўзгартирган. Зуфар Нарзуллаев доимо: “Сен яхши раҳбар бўлишинг учун станциядаги мижозларинг ўрнига ўзингни қўйиб кўр ва ўзингга савол бер: мен станцияда кўрсатилаётган хизматдан розиманми?” – дер эдилар. Шунда англаб етдимки, ҳали мижозларни ҳар томонлама рози қилишимиз учун жуда кўп тер тўкишимиз керак экан.

5 ноябрь куни соат 12:00 лар атрофида менга узел раҳбариятидан қўнғироқ қилиб, эртага Тошкентга етиб боришим зарурлигини айтишди. Тўғрисини айтсам, исм-фамилиямни эълон қилгунларига қадар мени нима мақсадда чақиришганидан бехабар эдим. Бу мен учун кутилмаган хушхабар бўлди ва ўз навбатида, зиммамга янада улкан масъулият юклади.

Албатта, бу эътирофни бутун жамоамизнинг ютуғи деб биламан. Сабаби, 100 кишидан иборат аҳил жамоамиз билан кечаю кундуз қилган меҳнатимиз бесамар кетмаганини, унинг муносиб қадри борлигини ва доимий эътиборда эканимизни барча ҳамкасбларим билан чуқур ҳис этдик.

ТАДБИР

# ЙЎЛ БОЛАЛАР КАСАЛХОНАСИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

**2026 ЙИЛ 10 НОЯБРЬ КУНИ ЙЎЛ БОЛАЛАР КАСАЛХОНАСИДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ ҲАМДА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.**




Унда таниқли шоир ва журналист Тўрамурод Раҳмонов тиббиёт муассасаси жамоаси билан учрашиб, ўзининг мазмунли ва таъсирчан шеърлари билан иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашди.

Анжуман давомида муассаса касаба уюшма қўмитаси раиси Умида Турсунова сўзга чиқиб, барча ҳамкасбларини қўшалоқ байрам билан самимий муборакбод этди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик ва касбий фаолиятида улкан зафарлар тилади.

Шунингдек, касалхона бош шифокори Дилфуза Искандженова номидан ташкилотчилар ҳамда касаба уюшма қўмитаси аъзоларига миннатдорлик ва эзгу тилаклар изҳор этилди.

Тантана якунида шифохонада самарали меҳнат қилиб келаётган, ўзининг фидойилиги ва масъулиятлилиги билан жамоа ҳурматига сазовор бўлган 6 нафар ходим эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бундай маърифий учрашувлар жамоада ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ишчи-ходимлар меҳнатини қадрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва касбга бўлган садоқатини янада оширишга хизмат қилади.

Барча тиббиёт ходимларига сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат ва шарафли касбида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз!

МУАССИСЛАР:
“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши

Таҳрир кенгаши:
Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ғ.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусаҳҳиҳ – Умида ТЎЙЧИБОЕВА
Саҳифаловчи – Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-1134 Босишга топширилди: 19:30 1 2 3 4 5 6

“Шарқ“ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида А-2 ҳажмда чоп этилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Адади: 1200